


“Тасдиқлайман”
Ўзбекистон Республикаси
Бош вазирининг уринбосари


Т.Нарбаева

2017 йил “10” октябрь

**БМТнинг хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги
Конвенцияси қоидаларини бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Бешинчи даврий маърузасини
кўриб чиқиш якунларига кўра БМТнинг хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам
бериш бўйича Қўмитаси тавсияларини бажариш юзасидан
МИЛЛИЙ ҲАРАКАТЛАР РЕЖАСИ
(2015 йил 24 ноябрь, Женева шахри)**

№	БМТнинг хотин-қизларга нисбатан камситишни тугатиш бўйича Қўмитаси тавсиялари	Амалга ошириш юзасидан тадбирлар	Муддатлар	Масъул ижрочилар	Халқаро ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватлаш
Олий Мажлис (парламент)					
1.	<p>6. Қўмита Конвенциянинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлашда қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ҳал қилувчи ролини таъкидлайди (Қаранг: Қўмитанинг 2010 йилдаги қирқ бешинчи сессияда қабул қилинган, унинг парламент аъзолари билан ўзаро муносабатлари тўғрисидаги баёноти).</p> <p>Қўмита Олий Мажлисга Конвенцияга мувофиқ кейинги маъруза тақдим этилгунга қадар бўлган давр мобайнида ушбу якуний фикр-мулоҳазаларни ижро этиш бўйича зарур қадамлар ташлашни тавсия қилади.</p>	<p>1.1. БМТнинг хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги Конвенциясини (кейинги ўринларда матнда Конвенция деб юритилади) бажариш масалалари юзасидан парламент эшитувларини ташкил этишга доир тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ва Сенатига киритиш.</p> <p>1.2. Конвенцияни бажариш масалалари юзасидан Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда бошқа вазирликлар ва идораларнинг чиқишларини ташкил этиш.</p>	<p>Ҳар йили январь-февраль ойлари</p> <p>Ҳар йили Олий Мажлис палаталарининг иш режасига мувофиқ</p>	<p>Хотин-қизлар қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда, Олий Мажлис палаталари билан келишувга кўра</p>	
Конвенциядан хабардорлик ва Қўмитанинг умумий тавсиялари					
2.	<p>7. Қўмита ушбу Конвенцияда белгиланган хотин-қизларнинг ҳуқуқлари тўғрисида, аёллар ва эркакларнинг реал тенг ҳуқуқлилиги концепцияси ва Қўмитанинг умумий тавсияларидан маҳаллий ҳокимликлар етарлича хабардор эмаслигини хавотир билан қайд этади.</p> <p>Шунингдек Қўмита аёлларнинг ўзлари, айниқса, қишлоқ жойларда яшовчи хотин-қизлар</p>	<p>2.1. Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги Конвенцияни ва Конвенциянинг якунловчи тавсияларини чоп этиш ҳамда ижро этувчи, қонун чиқарувчи ва суд ҳокимияти органлари орасида, шунингдек маҳаллий фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида тарқатиш.</p>	2017 йил	<p>Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Хотин-қизлар қўмитаси, Бош прокуратура, ИИБ, Олий ва ўрта махсус</p>	БМТТД, ЮНФПА

	<p>Конвенцияда мустақкамлаб қўйилган ўз ҳуқуқларидан хабардор эмаслиги ва бунинг натижасида ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ахборотга эга эмаслигидан ҳам хавотирда.</p> <p>8.Қўмита иштирокчи давлатга:</p> <p>а) ҳокимиятнинг барча шохобчалари, шу жумладан суд органлари Конвенциядан ва Қўмитанинг умумий тавсияларидан етарли даражада хабардор бўлишини таъминлашни ҳамда уларни қонунлар, суд қарорлари ва гендер тенгликни таъминлашга ва хотин-қизларнинг аҳволини яхшилашга қаратилган сиёсатни ишлаб чиқишда асос сифатида қўллашларини;</p> <p>б) хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва Конвенцияда мустақкамланган ҳуқуқлари бузилиши ҳолатлари бўйича шикоятлар бериш учун улар ихтиёрида мавжуд бўлган ҳуқуқий ҳимоя воситалари тўғрисида хабардорлигини ошириш ҳамда Конвенция ва Қўмитанинг умумий тавсиялари тўғрисидаги ахборотларни барча, шу жумладан қишлоқда яшовчи, хотин-қизларга тақдим этилиши таъминланишини тавсия этади.</p>	<p>2.2. Вазирликлар ва идоралар, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, барча даражалардаги ҳокимият органлари раҳбарларини ўқитиш дастурига Конвенцияни, шунингдек оила ва хотин-қизларнинг мавқеига тааллуқли миллий қонун ҳужжатлари қоидаларини тушунтириш бўйича махсус соатларни киритиш.</p> <p>2.3. Вазирлик, идора, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва судлар ходимлари учун гендер тенглик масалалари бўйича таълим дастурлари ва семинарлар мунтазам равишда ўтказилишини ўз ичига олувчи, 2017-2020 йилларга мўлжалланган ахборот-таълим тадбирлари режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.</p> <p>2.4. Касаба уюшмалари Федерацияси Ўқув марказининг ўқув режасига касаба уюшмаси фаоллари учун Конвенциянинг асосларини ўрганиш бўйича махсус курсларни киритиш.</p> <p>2.5. Жойларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ва маслаҳатчиларининг хабардорлигини ошириш бўйича семинарлар-тренинглар ўтказишни ўз ичига олган ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларининг гендер таълими даражасини ошириш.</p> <p>2.6. Юридик йўналишдаги олий таълим муассасалари, коллежлар ва лицейларнинг ўқув дастурларига Конвенциянинг асосий қоидаларини олий таълим муассасалари талабалари ҳамда коллеж, лицей ўқувчилари ўртасида ўқитиш бўйича курсларни киритиш.</p> <p>2.7. Аёлларнинг, шу жумладан қишлоқ туманларида яшовчи хотин-қизларнинг хабардорлигини ошириш бўйича телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар туркумини, ижтимоий роликлар, «ток-шоу» ташкил этиш ва ўтказиш, шунингдек газета, журнал саҳифаларида, айниқса, аёллар учун мўлжалланган махсус нашрларда тегишли мақолаларни эълон қилиш.</p> <p>2.8. Аёлларнинг аҳволи ва аҳолининг хотин-қизлар ҳуқуқлари тўғрисида хабардорлик даражаси масалалари бўйича ижтимоий сўров ўтказиш.</p>	<p>Ҳар йили алоҳида жадвал бўйича</p> <p>2017 йил</p> <p>2017-2019 йиллар</p> <p>2017-2019 йиллар</p> <p>2018-2019 йиллар</p> <p>2017-2019 йиллар</p> <p>2017-2018 йиллар, алоҳида режа бўйича</p>	<p>таълим вазирлиги, тегишли вазирлик, идоралар, “Маҳалла” фонди, Давлат бошқаруви академияси, Касаба уюшмалари Федерацияси, Тошкент давлат юридик университети, Миллий телерадиокомпания, ҳудудий оммавий ахборот воситалари, “Ижтимоий фикр” маркази, Омбудсман, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>	
--	--	---	--	---	--

		<p>2.9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳузурида аёллар ва болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ишчи орган ташкил этиш.</p> <p>2.10. Хотин-қизларнинг ҳуқуқларини таъминлаш бўйича материаллар, шу жумладан электрон форматдаги материалларни тайёрлаш ва нашр этиш.</p> <p>2.11. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳузурида хотин-қизларнинг ҳуқуқларини таъминлаш масалалари бўйича Ресурс маркази ташкил этиш.</p>	<p>2018 йил</p> <p>2017-2019 йиллар</p> <p>2018 йил</p>		
Қонунчилик асослари					
3.	<p>9. Қўмита иштирокчи давлатнинг ҳуқуқий тизимида халқаро ҳуқуқ нормалари миллий қонунчилик нормаларидан устун эканлигини қониқиш билан қайд этган ҳолда, иштирокчи-давлат Конвенциянинг барча қоидаларини миллий қонунчиликка киритиш учун қонунчиликни комплекс қайта кўриб чиқмаганлиги ва ҳеч қандай янги қонун қабул қилмаганлиги муносабати билан ташвишланаётганлигини билдиради.</p> <p>У Конвенция қоидалари миллий қонунчиликка киритилмаганлиги туфайли уларни миллий судлар томонидан камдан-кам ҳолларда бевосита қўлланилишини хавотир билан қайд этади.</p> <p>Бундан ташқари, у хотин-қизларнинг ҳуқуқлари учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қанча қонун лойиҳалари, хусусан, эркаклар ва аёлларга тенг ҳуқуқлар ва имкониятлар бериш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ва оилада зўравонликка қарши кураш ҳақидаги қонун лойиҳаси бир неча йиллардан буён тасдиқланмаётганлигидан ташвишланмоқда.</p> <p>10. Қўмита иштирокчи - давлатни:</p> <p>а) қонунчиликни аниқ белгиланган муддатларда қайта кўриб чиқиш ва ўз миллий қонунчилигини Конвенция қоидаларига мувофиқ ҳолатга келтириш учун янги қонун қабул қилишга;</p> <p>б) эркаклар ва хотин-қизларга тенг ҳуқуқлар ва имкониятлар бериш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ва оилада зўравонликка қарши кураш тўғрисидаги қонун лойиҳасини</p>	<p>3.1. Қонунчилик нормаларининг Конвенция қоидаларига мувофиқ эмаслигини аниқлаш ва янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан амалдаги қонунчиликни инвентаризациядан ўтказиш.</p> <p>3.2. Инвентаризация яқунлари ва Қонунлар ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар киритиш</p> <p>3.3. Республикада ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг гендер экспертизасини амалга ошириш механизмини амалиётга жорий этиш.</p> <p>3.4. Самарали гендер экспертизасини ўтказиш усулини ишлаб чиқиш.</p> <p>3.5. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, ижтимоий ва тиббиёт соҳаси ходимларини аёллар ва болаларга нисбатан зўравонлиқ ҳолатларини аниқлаш ва тартибга солиш масалалари бўйича комплекс тайёрлаш ва ўқитиш тизимини ташкил этиш.</p>	<p>2018 йилнинг I чораги</p> <p>2018 йилнинг II чораги</p> <p>Доимий равишда</p> <p>2018 йилнинг I чораги</p>	<p>Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Хотин-қизлар қўмитаси, хотин-қизларнинг нодавлат ноғижорат ташкилотлари, Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Юристар малакасини ошириш маркази, Бош прокуратура, ИИБ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети</p>	<p>БМТТД, ЮНФПА</p>

	тасдиқлаш жараёнини тезлаштириш, шунингдек уларнинг Конвенцияга тўлиқ мувофиқ келишини таъминлашга қатъият билан чақиради.				
Хотин-қизларнинг аҳолини яхшилаш бўйича миллий механизм					
4.	<p>11. Қўмита аёлларнинг аҳолини яхшилаш бўйича миллий механизм ролини бажаришга даъват этилган Хотин-қизлар қўмитаси ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилот мақомига эга эканлиги ва иштирокчи-давлатдан молиявий ёрдам олмаётганлиги, бу эса аёлларнинг ҳуқуқларини рағбатлантириш ва гендер тенгликни таъминлаш бўйича унинг фаолияти самарадорлигини пасайтираётганлигидан ташвишда эканлигини (қаранг: CEDAW/C/UZB/CO/4, 15-банд) яна бир марта таъкидлайди.</p> <p>Қўмита ушбу миллий механизм зарур ваколатларга, мақомга, кадрларга ва техник ресурсларга эга эмаслигидан ва Конвенцияни амалга оширилишига самарали қўмаклашиш учун давлат бюджетидан зарур молиявий маблағлар олмаслигидан хавотирланмоқда.</p> <p>Қўмита унинг олдинги якуний фикр-мулоҳазаларини бажариш юзасидан миллий режа қабул қилинганлигини қайд этиб, гендер тенгликни таъминлаш бўйича ҳаракатларнинг комплекс миллий режаси ишлаб чиқилмаганлигидан, шунингдек мониторинг ва ҳисобот беришнинг зарур механизми яратилмаганлигидан хавотирланаётганлигини билдиради.</p> <p>12. Қўмита иштирокчи-давлатга:</p> <p>а) Хотин-қизлар қўмитасини қайта ўзгартириш йўли билан уни Конвенция амалга оширилишига самарали қўмаклашиш учун зарур ваколатларга, мақомга, кадрларга ва молиявий ресурсларга эга бўлган аёлларнинг аҳолини яхшилаш бўйича давлат механизмнинг чинакам амалдаги элементига айлантиришни, шунингдек, Хотин-қизлар қўмитаси билан давлат муассасалари ўртасидаги ҳаракатларнинг мувофиқлаштирилишини яхшилашни;</p> <p>б) Конвенциядан гендер тенгликни таъминлаш бўйича ҳаракатларнинг комплекс</p>	<p>4.1. Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини республика ҳукумати томонидан кадрлар салоҳияти, аёлларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга, шунингдек Конвенцияни жорий этишга молиявий маблағлар ажратиш борасида қўллаб-қувватлаш бўйича Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг роли, мақоми ва ваколатлари тўғрисида кенг ахборот кампанияси олиб бориш.</p> <p>4.2. 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясига мувофиқ республика Хотин-қизлар қўмитасини янада такомиллаштириш ва унинг жойлардаги ҳудудий бўлинмаларининг янгиланган тузилмасини тасдиқлаш, уларнинг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, моддий-техника базасини яхшилашга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони лойиҳасини тайёрлаш.</p> <p>4.3. Маҳаллалар, туманлар (шаҳарлар), ҳудудлар миқёсида йўл хариталари қабул қилинган ҳолда аёллар ва оилаларнинг аҳолини доимий равишда ўрганиш масалалари бўйича Хотин-қизлар қўмитасининг давлат органлари, ҳудудий ҳокимият органлари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги механизмини ишлаб чиқиш.</p> <p>4.4. Аёллар ва оилаларнинг аҳолини ўрганиш, Конвенция бўйича Миллий ҳаракатлар режасини амалга ошириш юзасидан доимий мониторинг тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, кейинчалик ушбу чора-тадбирлар натижадорлигини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида муҳокама қилиб бориш.</p> <p>4.5. Аёллар манфаатлари юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар бўйича ахборотдан ўз вақтида фойдаланилишини таъминлаш учун Қўмитанинг веб-сайтини такомиллаштириш.</p>	<p>Доимий равишда</p> <p>2018 йил I чорак</p> <p>2017 йил IV чорак</p> <p>Ишлаб чиқиш – 2017 йил ноябрь амалга ошириш - доимий</p> <p>2017 йил IV чоракдан бошлаб доимий</p>	<p>Хотин-қизлар қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, тегишли вазирлик, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>	<p>БМТТД, ЮНИСЕФ</p>

	<p>миллий режасини ишлаб чиқиш учун қонунчиликнинг асоси сифатида фойдаланишни ва бу жиҳатдан белгиланган мақсадларга эришишда муваффақиятларни мунтазам равишда баҳолаш учун мониторинг олиб бориш механизмларини яратишни тавсия этади.</p>				
Вақтинчалик махсус чоралар					
5.	<p>13. Қўмита иштирокчи-давлат томонидан парламент сайловларида сиёсий партияларнинг сайлов рўйхатларида кўрсатилган барча номзодларнинг камида 30 фоизини хотин-қизлар ташкил этиши тўғрисидаги талабнинг жорий этилишини қониқиш билан қайд этади.</p> <p>У шунингдек иштирокчи-давлат томонидан аёллар ва қизларнинг аҳволини яхшилаш бўйича бир қанча ижтимоий стратегиялар қабул қилинганлигини қайд этади. Шу билан бирга Қўмита аёлларнинг аҳволини яхшилашга кўмаклашадиган ва кўмаклашиши мумкин бўлган барча чоралар ҳам ўзида вақтинчалик махсус чораларни ифодалайвермаслигини эслатади.</p> <p>Қўмита иштирокчи-давлатда вақтинчалик махсус чоралар тушунчасини тўлиқ моҳиятини англамаслик ҳолатидан ва улардан Конвенция томонидан қамраб олинган, аёллар ўзларини етарлича кенг намоён қила олмаётган ёки ноқулай шароитларда бўлган, барча соҳаларда аёлларнинг реал тенглигига эришиш учун фойдаланилмаётганидан ташвишланади.</p> <p>14. Конвенциянинг 4 (1)-моддасига ҳавола қилган ва ўзининг вақтинчалик махсус чоралар тўғрисидаги 25-сонли (2004) умумий</p>	<p>5.1. Ижро ҳокимиятининг марказий ва маҳаллий органларининг кадрлар таркибини ҳамда раҳбарларини лавозимга кўтаришда аёлларнинг тенг мавқеини аниқлаш юзасидан таҳлил қилиш.</p> <p>5.2. Барча корхона, ташкилот, муассаса ва вазирликларда аёлларни раҳбарлик лавозимларига кўтариш ва сайловлар даврида уларнинг номзодларини сиёсий партиялардан кўрсатиш учун фаол аёллардан кадрлар захирасини тузиш.</p> <p>5.3. Кадрлар захирасида турган аёллар билан уларнинг салоҳиятини, билимлари, раҳбарлик иши кўникмаларини ошириш бўйича мақсадга йўналтирилган иш олиб борилишини ташкил этиш режасини ишлаб чиқиш.</p> <p>5.4. Аёлларни раҳбарлик лавозимларига кўтаришни мунтазам таҳлил қилиб бориш ва уларнинг қарорлар қабул қилиш даражасида вакиллик қилишини таъминлаш юзасидан тегишли тузилмаларга таклифлар киритиш.</p> <p>5.5. «Аёлларнинг жамиятдаги мақомини ошириш: хорижий ва маҳаллий тажриба» мавзусида илмий-амалий конференция</p>	<p>2017 йил IV чорак</p> <p>2017 йил IV чорак</p> <p>Ишлаб чиқиш - 2017 йил IV чорак, амалга ошириш - доимий</p> <p>Доимий равишда</p> <p>2018 йил I чорак</p>	<p>Хотин-қизлар қўмитаси, вазирлик, идора ва ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>	<p>ЮНФПА БМТТД</p>

	<p>тавсияларини эслатган ҳолда Қўмита иштирокчи-давлатга:</p> <p>а) барча тегишли давлат мансабдор шахсларини ва раҳбарларни вақтинчалик ижтимоий чоралар тушунчаси билан таништиришни ва шундай чораларни амалга оширишни, шу жумладан уларни бажаришнинг аниқ муддатлари билан биргаликда мақсадларни белгилашни ва аёллар кенг вакиллик қилмаган ёки ноқулай вазиятда бўлган барча соҳаларда, шу жумладан, ижтимоий ва сиёсий ҳаётда ва таълим, соғлиқни сақлаш, бандлик соҳаларида аёлларнинг амалдаги ёки реал тенглигига эришиш учун квоталар жорий этишни;</p> <p>б) мавжуд вақтинчалик ижтимоий чоралар самарасиз қўлланилишининг туб сабабларини бартараф этишни ва ҳам давлат, ҳам хусусий секторда бундай чоралардан фойдаланишни рағбатлантирувчи қонунни қабул қилишни тавсия этади.</p>	<p>ўтказиш.</p> <p>5.6. Конференция яқунлари бўйича рус ва ўзбек тилларида рисоалар нашр этиш.</p>	<p>2018 йил I чорак</p>		
Бир тахлитдалик ва зарарли амалиёт					
6.	<p>15. Қўмита аёлларни камситадиган ҳамда оила ва жамиятда уларнинг боша шахсларга боғлиқлигини кучайтирадиган ва бундан ташқари аёлларнинг ўқув фанлари ва касбларни танлашини, сиёсий ва ижтимоий ҳаётда иштирокини, меҳнат бозоридаги иштирокини чеклайдиган ҳамда никоҳ ва оилавий муносабатларда уларнинг тенг бўлмаган мавқеини мустаҳкамлайдиган аёллар ва эркекларнинг роли ва вазифалари тўғрисидаги чуқур томир отган патриархал тасавурлар ва бир тахлитдалик сақланиб қолаётганидан ҳамон хавотирда.</p> <p>Қўмита бундай бир тахлитдалик аёлларга нисбатан зўравонликнинг туб сабаблари ҳам ҳисобланишини эслатади ва болалар никоҳи ёки мажбурий никоҳлар ва кўп хотинлилик сингари аёлларни камситувчи амалиётнинг зарарли турлари кенг ёйилишидан, шунингдек иштирокчи давлат таҳқирловчи бир тахлитдаликни, салбий анъанавий тасавурлар ва амалиётнинг зарарли турларини ўзгартириш ёки йўқотиш учун ҳанузгача изчил чоралар кўрмаётганлигидан</p>	<p>6.1. Аёлларнинг ролини ошириш соҳасида 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясига кирган ва қуйидагиларни назарда тутувчи устувор йўналишларни амалга ошириш:</p> <p>сиёсий ва ижтимоий ҳаётда аёлларнинг иштирокини фаоллаштириш;</p> <p>аёлларнинг, айниқса ёш қизларнинг қобилиятларини рўёбга чиқариш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш;</p> <p>аёллар бадлигини таъминлаш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш.</p> <p>6.2. Оилалар, меҳнат жамоалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида барвақт никоҳга кириш, кўп хотинлилик, ажралишлар ва аёлларнинг ҳуқуқлари бузилишига олиб келадиган бошқа ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган комплекс тушунтириш тадбирларини амалга ошириш.</p> <p>6.3. Оилада аёллар ва эркекларнинг тенг мавқеини, аёлларга нисбатан зарарли камситишларни ўз вақтида аниқлаш борасида</p>	<p>2017 йилдан бошлаб - доимий</p> <p>2017-2021 йй.</p> <p>2017 йил ноябрь</p>	<p>Хотин-қизлар қўмитаси, “Маҳалла” фонди, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Олий таълим вазирлиги, Хотин-қизларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари, Миллий телерадиокомпания, Нодавлат оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, “Ижтимоий фикр”</p>	<p>БМТТД, ЮНФПА, ЮНИСЕФ</p>

	<p>ташвишланаётганлигини билдиради.</p> <p>16. Қўмита иштирокчи давлатни:</p> <p>а) жамиятнинг барча қатламларидаги эркаклар ва аёлларнинг, шу жумладан, анъанавий етакчилар уларнинг манфаатларини кўзлаб, оила ва жамиятда эркаклар ва аёлларнинг роли ва вазифалари тўғрисидаги камситувчи бир тахлитдалик ва партриахал тасаввурлар, шунингдек аёлларни камситувчи амалиётнинг зарарли турларини бартараф этиш учун комплекс стратегияни кечиктирмасдан қабул қилишга;</p> <p>б) болалар никоҳи ёки мажбурий никоҳлар ва кўп хотинлилик каби зарарли амалиёт турларининг жиноий хусусиятидан, хусусан қишлоқ ва чекка туманлардаги аёлларнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишига салбий таъсирдан аҳолининг хабардорлиги даражасини ошириш дастурларини кенгайтиришга ва ушбу дастурларни мактабгача таълимнинг турли даражаларида ўқув режасига киритишга;</p> <p>с) эркаклар ва аёлларнинг реал тенглиги коцепциясини чуқур тушунишни таъминлаш учун оммавий ахборот воситаларини жалб этишга йўналтирилган новаторлик чораларидан фойдаланишни ҳамда таълим тизимига алоҳида эътибор берган ҳолда барча соҳаларда ижобий ва бир тахлитдаликдан холи бўлган аёлларни тасвирлашни рағбатлантиришга қатъият билан қақиради.</p>	<p>оилаларнинг ҳолатини таҳлил қилиш механизмини яратиш.</p> <p>6.4. Аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, оилада зўравонликни тугатиш ҳамда эркаклар ва аёлларнинг тенглигини таъминлаш бўйича комплекс чораларни амалга ошириш.</p> <p>6.5. Соғлом оилани шакллантириш масалалари бўйича республиканинг таълим муассасаларидаги тарбиявий тадбирларни таҳлил қилиш, педагоглар ва мутахассислар томонидан дастурлар ишлаб чиқиши ва амалга оширилиши.</p> <p>6.6. Мониторинг режимида аёллар ва болаларнинг оиладаги мавқеини ҳисобга олган ҳолда «Оила ва жамият: маънавий ва ахлоқий олам» деб номланган социологик сўровни ўтказиш.</p> <p>6.7. Аёлларнинг ролига нисбатан бир тахлитдалик тафаккурини тугатиш, ёшлар, айниқса ёш оилалар орасида хулқ-атворнинг янги моделларини шакллантириш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи нодавлат ноижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига грантлар ажратиш.</p> <p>6.8. Қишлоқ жойлардаги аёллар орасида ҳуқуқий саводхонлик ва уларнинг ҳуқуқлари ва имкониятлари соҳасида хабардорликни ошириш, гендер тенг ҳуқуқлилиқни таъминлаш ҳамда барвақт никоҳлар ва кўп хотинлиқнинг олдини олиш бўйича кенг кўламли ахборот-маърифий ишларни таъминлаш.</p> <p>6.9. Фуқароланинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида ташкил этилган «Ота-оналар университетлари» ишини кучайтириш, шунингдек оилавий руҳшунослар радио, телевидение, оммавий ахборот воситалари, профессионал дин намоёндалари иштирокида ижобий ота-оналик ва оилада самимий муносабатда бўлишдан аҳолининг хабардорлигини ошириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш.</p> <p>6.10. «Ажралишларга – «ғамхўр» ота-оналар сабабчи», «Вояга етмаган ёшларнинг муаммолари»; «Нотинч оилада авлоднинг</p>	<p>2017-2021 йй.</p> <p>2017 йил октябрь ойдан бошлаб доимий</p> <p>Ҳар йили алоҳида жадвал асосида</p> <p>2017-2021 йй.</p> <p>Ҳар йили</p> <p>Доимий равишда, алоҳида режа асосида</p> <p>Доимий равишда, алоҳида режа</p>	<p>маркази, Олий Мажлис ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, тегишли вазирлик, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>	
--	--	--	--	--	--

		<p>улғайиши”, “Никоҳ қуриш учун ижтимоий ёш”, “Менинг келиним – талаба”, “Никоҳ шартномаси ёғингарчиликда соябон” сингари мавзулар бўйича телевидение ва радиода мавзули роликлар ва суҳбатлар яратиш ва ишлаб чиқариш.</p> <p>6.11. Гендер таълим ва бир тахлитдаликка йўл қўймаслик бўйича журналистлар, бош муҳаррирлар ва оммавий ахборот воситалари раҳбарлари учун семинар-тренинглар ўтказиш.</p> <p>6.12. Оилалар ҳаётининг ижтимоий-ижобий салоҳиятини фаоллаштириш, оилавий бирлик туйғусини шакллантириш, болалар ва уларнинг оилаларини оила институтини мустаҳкамлашга йўналтирилган тадбирларга жалб этиш мақсадида оилада тарбиявий салоҳиятни оширишга қўмаклашувчи, катта ёшдагилар ва болаларнинг амалий мулоқоти учун болалар, ёшлар ва уларнинг ота-оналари учун ўқув-тарбиявий дастурларни ишлаб чиқиш.</p>	асосида						
			Ҳар йили июнь-август ойлари						
			2018 йил						
Аёлларга нисбатан зўравонлик									
7.	<p>17. Қўмита иштирокчи давлатда аёлларга нисбатан зўравонлик, жумладан маиший ва сексуал зўравонлик кенг тарқалганлигидан, ёшига қўра ва қурбон билан ҳуқуқни бузувчи ўртасидаги муносабатлар бўйича статистик маълумотлар йўқлигидан ҳамон ташвишда. Қўмита аёлларга нисбатан маиший зўравонлик тўғрисида ҳамма вақт ҳам хабар берилвермаслигини хавотир билан қайд этади. Чунки бу шахсий иш ҳисобланади, кўпинча муҳофаза қилувчи суд буйруқларидан камдан-кам ҳолларда фойдаланилади ва бундай ишлар, қоидага қўра, уларни яраштириш йўли билан кўриб чиқиш учун маҳаллалар жамоаларига берилади. У шунингдек 2015 йилда иштирокчи давлатда зўравонлик қурбони бўлган аёлларни касбга тайёрлаш бўйича муассаса ташкил этиш бўйича иштирокчи давлат томонидан кўрилган чораларга қарамай, мамлакатда ҳамон зўравонлик қурбонларига ёрдам бериш ва уларни химоя қилиш хизматлари етишмаслигини қайд этади, чунки фақат иккита бошпана берувчи муассаса мавжуд. Оилада зўравонликнинг олдини олиш тўғрисидаги қонун лойиҳасида аёлларга нисбатан зўравонликнинг, шу жумладан, маиший зўравонлик ҳақидаги</p>	<p>7.1. Эркақларни кенг жалб этган ҳолда шу жумладан болалар ва меҳнат мигрантлари орасида оиладаги зўравонликнинг салбий оқибатлари тўғрисида аҳолининг хабардорлигини ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишга йўналтирилган ахборот бериш тадбирларини ўтказиш.</p> <p>7.2. «Оила зўравонлиги профилактикаси тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>7.3. Зўравонлик қурбони бўлган аёллар ва болаларни ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.</p> <p>7.4. Аҳоли орасида таълим муассасалари, меҳнат жамоалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари даражасида оилада зўравонликка йўл қўймаслик масалалари бўйича манзилли ахборот ишларини олиб бориш.</p> <p>7.5. Зўравонликка дучор бўлган, қийин ҳаётини вазиятга тушиб қолган аёлларга ижтимоий хизмат кўрсатиш бўйича ихтисослаштирилган хизматлар тармоғини («ишонч телефонлари», руҳий-маслаҳат хизматлари ва шу кабилар) янада ривожлантириш.</p>	2017-2019 йй.	2017-2019 йй.	2017–2018 йй.	2017 йилнинг IV чорагидан бошлаб доимий	2017 йилнинг IV чорагидан бошлаб доимий	<p>Хотин-қизлар қўмитаси, “Маҳалла” фонди, “Оила” республика илмий-амалий маркази, “Тадбиркор аёл” уюшмаси, Савдо-саноат палатаси, Адлия вазирлиги, Олий таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ИИБ, ИИБ академияси, Бош прокуратура, Олий суд, Юристар малакасини ошириш маркази, “Истикболли авлод”</p>	ЮНФПА, ЮНИСЕФ, БМТТД

<p>таъриф мавжудлигини қайд этиб, Қўмита ушбу қонун лойиҳасини тасдиқлаш кечикаётганлигидан яна ташвишда эканлигини билдиради.</p> <p>18. Қўмита аёлларга нисбатан зўравонлик тўғрисидаги ўзининг 19-умумий тавсияларини (1992) эслатиб иштирокчи давлатни:</p> <p>а) оилада зўравонликнинг олдини олиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини тасдиқлашни тезлаштиришга, аёллар ва қизларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш ва илдизи билан тугатиш бўйича комплекс чоралар кўришга, зўравонлик қурбонига айланган аёллар ва қизлар зарарни қоплаш, ҳимоя воситаларидан бевосита фойдаланиш, шу жумладан, компенсация олиш имкониятига эга бўлишини таъминлашга ва айбдорлар суд тартибида таъкиб қилинишига ва зарур жазони олишларини таъминлашни.</p> <p>б) судлар, прокурорлар, полиция ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари аёлларга нисбатан зўравонлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи қонунчиликка вазўравонлик қурбонларига айланган аёллар билан ишлашда тартиб-қоидаларнинг гендер жиҳатлари қўлланилиши тартибига қатъий риоя қилиши масалалари бўйича мажбурий профессионал тайёргарликдан ўтишини таъминлашга;</p> <p>с) хотин-қизларни маиший, сексуал ва зўравонликнинг бошқа шакллари ҳолатларида полицияга хабар қилишга даъват этишга ва қурбонларни дестигматизация қилиш йўли билан маҳалланинг расмий вакиллари томонидан воситачилик қилиш амалиётидан фойдаланишни чеклашга ва тегишли қилмишларнинг жиноий хусусиятидан полиция ва аҳолининг хабардорлигини оширишга;</p> <p>д) шу жумладан қишлоқ туманларида бошпаналар ташкил этиш ва қурбонларга бошпана берувчи ва реабилитация бўйича хизматлар кўрсатувчи ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш орқали зўравонликка дучор бўлган аёлларни зарур тарзда қўллаб-қувватлашга ва ҳимоя қилишга;</p>	<p>7.6. Ҳар бир туманда (шаҳарда) қийин ҳаётий вазиятдаги аёлларга бепул руҳий ва ҳуқуқий ёрдам бериш бўйича «Оила маслаҳат маркази» фаолиятини ташкил этиш.</p> <p>7.7. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларини оилада маиший зўравонликнинг олдини олиш масалалари бўйича ўқитиш, зўравонлик қурбонларига юридик ёрдам бериш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш.</p> <p>7.8. Зўравонлик ва гендер камситиш масалалари бўйича буклетлар, плакатлар ва бошқа адабиётларни тайёрлаш, нашр этиш ва тарқатиш.</p> <p>7.9. Ҳар бир минтақа, туман (шаҳар) бўйича маиший зўравонлик ҳолатларининг статистик таҳлилини ташкил этиш, кейинчалик бундай ҳолатларнинг сабабларини муҳокама қилиш ва уларга йўл қўймаслик юзасидан барча тегишли тузилмалар учун вазифаларни белгилаш.</p>	<p>2017-2019 йй.</p> <p>2017-2019 йй.</p> <p>2017-2019 йй.</p> <p>Доимий равишда</p>	<p>ННТ, Босма оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Миллий телерадиокомпания, ЎЗА, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>	
---	---	--	--	--

	е) ёшига кўра ва қурбонлар билан ҳуқуқни бузувчилар ўртасидаги муносабатлар турлари бўйича аёлларга нисбатан маиший, сексуал ва зўравонликнинг бошқа ҳолатлари тўғрисидаги статистик маълумотларни тўплашга қатъият билан чақиради.				
Одам савдоси ва фоҳишабозликдан фойдаланиш					
8.	<p>19. Қўмита 2015-2016 йилларда одам савдосига қарши кураш бўйича ҳаракатлар режаси ва 2011-2013 йилларда одам савдосига қарши курашда МДХ аъзолари бўлган давлатларнинг ҳамкорлиги дастури қабул қилинганлигини қайд этади. Шу билан бирга Қўмита:</p> <p>а) аёллар ва қизлар билан савдо қилиш ҳамда фоҳишабозлик билан шуғулланадиган аёллар ва қизларни эксплуатация қилиш муносабати билан берилган шикоятлар сони, ўтказилган суриштирувлар, суд муҳокамалари ва чиқарилган айблов ҳуқуқлари тўғрисида маълумотлар мавжуд эмаслигидан;</p> <p>б) фоҳишабозлик билан шуғулланадиган аёллар камситилишидан, бундай аёллар учун уларнинг эҳтиёжларига мувофиқ бўлган бошпаналар ва танглик марказлари мавжуд эмаслигидан ҳамда фоҳишабозлик билан шуғулланишни тўхтатишни хоҳловчи аёлларга ёрдам бериш ва уларни қайта интеграциялаш дастурлари мавжуд эмаслигидан ташвишланади.</p> <p>20. Қўмитаиштирокчи давлатга:</p> <p>а) тегишли ҳолларда одам савдосининг туб илдизларини аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида шу жумладан ёшига кўра ва этник келиб чиқиши бўйича маълумотлар тўплаш йўли билан одам савдоси ва фоҳишабозлик билан шуғулланувчи аёлларни эксплуатация қилиш масалалари бўйича тадқиқотлар олиб бориш учун халқаро ёрдам сўрашни ва тадқиқот маълумотларини ўзининг навбатдаги даврий маърузасига киритишни;</p> <p>б) фоҳишабозлик муаммосини ҳал этишга комплекс ёндашишни ишлаб чиқиш, фоҳишабозлик билан шуғулланишни тўхтатишни хоҳловчи аёллар учун бошпаналар ва танглик марказлари ташкил этишни ва ёрдам бериш дастурларини ишлаб чиқишни;</p>	<p>8.1. Маҳаллаларда фоҳишабозлик билан шуғулланадиган аёллар ва қизларни, шунингдек одам савдоси қурбонларини аниқлаш юзасидан тизимли ишларни ташкил этиш.</p> <p>8.2. «Оила маслаҳат марказ»лари негизда республиканинг барча туманларида (шаҳарларда) қийин ҳаётий вазиятга тушиб қолган ҳамда фоҳишабозлик билан шуғулланишни тўхтатишни хоҳловчилар билан яқка тартибда иш олиб бориш орқали ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.</p> <p>8.3. Қийин ҳаётий вазиятга тушиб қолган аёлларни касбий тайёрлаш ва иш билан машғул бўлишга жалб этиш.</p> <p>8.4. Қийин ҳаётий вазиятга тушиб қолган аёлларга имтиёзли кредитлар олишга кўмаклашиш, уларга қўшимча даромад олиш имкониятини бериш.</p> <p>8.5. Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида одам савдосининг туб илдизларини аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида одам савдоси ҳамда фоҳишабозлик билан шуғулланувчи аёлларни эксплуатация қилиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш.</p> <p>8.6. Одам савдоси муаммосидан аҳолини хабардор қилиш ва маслаҳат бериш ҳамда ундан жабр кўрганларга ёрдам бериш юзасидан хабардорлик бўйича ишонч телефонларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш.</p> <p>8.7. Секторлараро ўзаро ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш ва одам савдосидан жабрланганларга ёрдам бериш борасида ҳар хил тузилмалар ўртасида қайта тақсимлаш механизмни кучайтириш.</p>	<p>2017-2019 йиллар</p> <p>2017-2019 йиллар</p> <p>Доимий равишда</p> <p>2018 йил</p> <p>2018 йилдан бошлаб доимий</p> <p>2017-2019 йиллар</p>	<p>Хотин-қизлар қўмитаси, “Маҳалла” фонди, хотин-қизларнинг нодавлат ноτιжорат ташкилотлари, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Ишбилармон аёллар уюшмаси, Молия вазирлиги, ИИБ, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, ҳокимликлар, “Истикболли авлод” ННТ</p>	<p>МОМ, ОБСЕ, ЮСАИД, БМТ ваколатхона, Хорижий элчихоналар</p>

	уларни қайта интеграциялашни, шунингдек бундай аёлларга даромад олишнинг муқобил имкониятларини яратишни ва фоҳишабозликка талабни пасайтириш чораларини кўришни тавсия қилади.				
Сиёсий ва ижтимоий ҳаётда иштирок этиш					
9.	<p>21. Қўмита маҳаллаларнинг сайланадиган бошлиқлари орасида аёллар улуши сезиларли бўлмаган даражада кўпайганлигини қайд этар экан, аynи вақтда анъанавий ва патриархал қарашлар сақланиб қолаётганлиги, сайловларда ўз номзодини илгари суришни хоҳловчи аёлларнинг салоҳиятини мустаҳкамлаш ва сайлов кампанияларини молиялаштиришнинг самарали вақтинчалик махсус чоралари ва зарур тадбирлар йўқлиги туфайли аёлларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги ҳамон етарли эмаслигича қолаётганлигини, жумладан, партия рўйхатларида аёл номзодлар учун 30 фоизли квота мавжудлигига қарамай, Олий Мажлисда (22 фоиздан 16 фоизгача), шунингдек давлат бошқаруви органларида (27 фоиз), давлат хизматида (19 фоиз), суд органларида (13 фоиз) ва дипломатик хизматда (элчилар орасида аёллар атиги 3 фоизни ташкил этади) камчиликни ташкил этаётганидан ташвишланмоқда. Айрим тайинланадиган раҳбарлик лавозимларида аёллар сони кўпайганлигини қутлаб Қўмита иштирокчи давлатда сайлаб қўйиладиган ва тайинланадиган лавозимларда аёллар сони даражасининг умуман олганда пастлигидан ташвишланади, чунки бу аёлларнинг сайловларни ўтказиш ва бундай лавозимларга тайинлаш учун масъул бўлган шахсларнинг етарлича қўллаб-қувватламаслигидан далолат беради деб ҳисоблайди. Бундан ташқари Қўмита жинси бўйича сайловчилар тўғрисидаги маълумотларнинг, фуқаролар тўғрисидаги маълумотларнинг ягона базаси, маълумотлар Марказий сайлов комиссияси билан ҳар хил вазирликлар ўртасида кўндаланг солиштириб чиқилмаслигидан, шунингдек эри билан бир уйда доимий рўйхатдан ўтмасдан ёки вақтинча рўйхатдан ўтиб яшаётганлиги туфайли сайловчилар рўйхатидан чиқариб ташланиши мумкин бўлган аёл сайловчилар ҳақидаги</p>	<p>9.1. Барча даражалардаги ҳокимлик ва бошқарув органларида, барча даражалардаги халқ депутатлари Кенгашларида, республиканинг жамоат ташкилотларида кадрларни жойлаштиришни гендер таҳлил қилиш.</p> <p>9.2. Раҳбарлик лавозимларига захирада турган аёл кадрлар билан ишлаш тартибини ишлаб чиқиш.</p> <p>9.3. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида, шунингдек, суд ҳокимиятида кадрлар захирасини шакллантиришда ҳар бир жинсдан номзодларнинг вакиллиги пропорционал муносиблиги ҳисобга олиншини таъминлаш.</p> <p>9.4. Аёлларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, сайлаб қўйиладиган ва тайинланадиган вазифаларга уларни сиёсий партиялардан кўрсатиш бўйича жамоат бирлашмалари ва сиёсий партияларнинг қўшма дастурлари ва лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.</p> <p>9.5. Сайловлар вақтида сиёсий партиялардан номзод аёлларнинг салоҳиятини мустаҳкамлаш чораларини ишлаб чиқиш, шу жумладан, уларнинг имкониятларини кенгайтириш ва уларнинг сайлов кампанияларини молиялаштириш чораларини кўриш.</p> <p>9.6. Барча аёлларнинг сайлов жараёнларида фаол иштирок этиши масалалари бўйича республика аҳолиси орасида аниқ мақсадни кўзлаган ишларни ташкил этиш, аёл сайловчилар ҳақидаги маълумотларни тўплаш.</p> <p>9.7. Ҳокимиятнинг барча даражалари давлат органлари, журналистларнинг гендер хабардорлигини ошириш ишарини, аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлиги асосида мамлакатнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш масалалари бўйича ҳукуматга қарашли</p>	<p>2017 йил</p> <p>2017 йил ноябрь</p> <p>2017 йилдан доимий равишда</p> <p>2017-2021 йиллар</p> <p>2017 йилдан доимий равишда</p> <p>2017 йилдан доимий равишда</p> <p>Алоҳида жадвал бўйича</p>	<p>Хотин-қизлар қўмитаси, вазирликлар ва идоралар, ҳокимликлар, ЎзЛиДеП, “Миллий тикланиш” ДП, ЎзХДП, “Адолат” СДП, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Миллий телерадиокомпания, ЎЗА, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси</p>	<p>ЮНФПА, БМТТД</p>

<p>маълумотларнинг етарли эмаслигидан ташвишланади.</p> <p>22. Қўмита иштирокчи давлатга:</p> <p>а) қуйидаги йўллар билан барча даражаларда сиёсий ва ижтимоий ҳаётда аёлларнинг иштирокини ва уларнинг сайлаб қўйиладиган ва тайинланадиган лавозимлардаги вакиллигини кенгайтириш чораларини кўришни:</p> <ul style="list-style-type: none"> - партия рўйхатларида аёл номзодлар учун мавжуд 30 фоизли квотага изчил риоя қилишни, шу жумладан, аёллар сиёсий партиялар томонидан сайлаб қўйиладиган лавозимларга кўрсатилиши ёки сайлов округларида номзодлар рўйхатига киритилиши учун чоралар кўришни; - аёлларнинг раҳбарлик лавозимларига тенг кўрсатилишига кўмаклашиш учун сиёсий арбоблар ва аҳоли ўртасида ахборот-маърифий тадбирлар олиб борилишини; - аёл номзодларнинг салоҳиятини мустаҳкамлаш тадбирларида иштирок этишни, шу жумладан ўзларининг сайлов кампанияларини молиялаштиришдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришни; <p>б) аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиқ асосида сиёсий ва ижтимоий ҳаётда тўлақонли, тенг, эркин ва демократик иштирок этиши Конвенцияни амалга ошириш учун зарур шартлардан бири эканлигини тўлиқроқ англашни таъминлаш учун сиёсатчилар, жамоат етакчилари, журналистлар ва аҳолининг ҳам сайлаб қўйиладиган, ҳам тайинланадиган лавозимларда иштироки тўғрисида қарорлар қабул қилиш жараёнидан хабардорлиги даражасини оширини;</p> <p>с) Марказий сайлов комиссияси билан бошқа органлар ўртасида сайловчиларнинг рўйхатлари тўғрисидаги маълумотларни кўндаланг текшириш ва алмашишни таъминлашни, аёл сайловчилар тўғрисидаги маълумотлар тўпланишини ва ажралган ва ёлғиз аёллар рўйхатга киритилишини таъминлашни тавсия қилади.</p>	<p>бўлмаган ташкилотлар билан шерикликда тренинглар ва семинарлар ташкил этиш.</p> <p>9.8. Турли соҳаларда аёл раҳбарларнинг ютуқлари тўғрисида кенг маълумот бериш ишларини олиб бориш, кадрлар захирасида турган аёлларни уларга бириктириш.</p>			
---	--	--	--	--

Таълим					
10.	<p>23. Қўмита иштирокчи давлатга бошланғич ва ўрта мактаб ўқувчилари орасида гендер тенгликка эришишга муваффақ бўлинганлигини қониқиш билан қайд этади, бироқ аёллар ва қизлар ҳамон соғлиқни сақлаш, таълим ва хизматлар соҳаси сингари анъанавий «аёллар» таълим ва касб фаолиятини танлашидан, ҳамон табиий фанлар ва техник фанлар соҳасини танламасликларидан ташвишланади. Иштирокчи давлатнинг мактаб дастурлари ва дарсликларни қайта кўриб чиқиш ниятини қайд этиб Қўмита айни вақтда ушбу дастурлар ва дарсликларда аёлларга нисбатан бир қанча салбий бир тахлитдаликлар сақланиб қолаётганлигиан, таълим олувчиларнинг ёши ҳисобга олинган ҳолда сексуал ва репродуктив саломатлик масалалари бўйича таълим дастурлари мавжуд эмаслигидан ҳамон ташвишланади.</p> <p>24. Қўмита иштирокчи давлатга:</p> <p>а) салбий бир тахлитдаликни устувор тартибда бартараф этишни ва, шу жумладан, вақтинчалик махсус чоралар кўриш ҳамда қизларга маслаҳат бериш йўли билан қизларга ноанъанавий ўқув фанларини танлаш имконини бермайдиган таркибий тўсиқларни бартараф этишни, шунингдек, анъанавий бўлмаган мутахассисликлар, хусусан фан в технологиялар соҳасида қизларга маслаҳат беришни;</p> <p>б) мактаб дастурлари ва дарсликлардан гендер бир тахлитдаликни чиқариб ташлаш учун уларни қайта кўриб чиқишни ва ўқув дастурларига репродуктив саломатлик ва ҳуқуқлар масалалари бўйича таълим олувчиларнинг ёшига мос бўлган тегишли курсларни киритишни тавсия қилади.</p>	<p>10.1. Аёлларнинг барча соҳаларда бандлигини ҳамда қизларнинг профессионал фаолият соҳасини танлашини таҳлил қилиш, аниқланган муаммоларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклифларни ишлаб чиқиш.</p> <p>10.2. Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг худудий бўлинмаларида аёллар қизиқишининг турли йўналишлари бўйича ассоциациялар ташкил этиш. Ассоциациялар тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш, бутун республикада уларнинг ишини ташкил этиш.</p> <p>10.3. Барча даражалардаги таълим муассасаларининг ўқув дастурларига репродуктив саломатлик ва ҳуқуқлар масалалари бўйича курсларни, шу жумладан, ҳар икки жинс ўсмирлари учн масъулиятли сексуал хулқ-атвор масалаларини қамраб олувчи «хавфсизлик йўналиши» курсини киритиш.</p> <p>10.4. Соғлиқни мустаҳкамлаш хизматлари ходимлари ва соғлом турмуш тарзи бўйича машғулотлар ўтказувчи мактаб ўқитувчилари учун ўқитишнинг «Ҳаётингни мустаҳкамлаш хизмат» (КИО) минтақавий компьютер асбобини мослаштириш.</p> <p>10.5. «Соғлом турмуз тарзи» бўйича машғулотлар ўтказувчи ўқитувчиларни ўқитиш йўли билан компьютер асбобини (КИО) жорий этиш.</p> <p>10.6. Республика ва вилоят репродуктив саломатлик марказлари ходимларини «Ҳаётий циклда ўсмирлар соғлиги» (КИО) компьютер курсида ўқитиш.</p> <p>10.7. Ёшларнинг келажақда қайси соҳаларда шуғулланишга қизиқишини, репродуктив ҳуқуқлар ва қизиқишларни аниқлаш мақсадида улар ўртасида социологик сўровлар ўтказиш, ушбу йўналишларда ишларни яхшилашга доир тавсияларни ишлаб чиқиш.</p> <p>10.8. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича ўқув-тарбиявий дастурларни ишлаб чиқиш, қизларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб этиш.</p>	<p>2017-2018 йй.</p> <p>2017 йилнинг IV чораги</p> <p>2017-2019 йй.</p> <p>2017-2019 йй.</p> <p>2017 йил</p> <p>2017 йилдан бошлаб доимий</p> <p>2017-2018 йиллар - алоҳида режа бўйича</p> <p>2017-2019 йй.</p>	<p>Хотин-қизлар қўмитаси, Халқ таълими вазирилиги, Олий таълим вазирилиги, Соғлиқни сақлаш вазирилиги, “Маҳалла” фонди, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирилиги, Социологик марказлар ва институтлар, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази</p>	<p>БМТТД, ЮНИСЕФ, ОБСЕ, ВОЗ</p>
Бандлик					

11.	<p>25. Қўмита болалар меҳнатидан фойдаланмаслик, шу жумладан, пахта терими мавсумида болаларни эксплуатация қилмасликда эришилган сезиларли муваффақиятларни қутлайди. Шу билан бирга:</p> <p>а) эркалар ва аёллар меҳнатига ҳақ тўлашдаги сақланиб қолаётган сезиларли тафовутдан ташвишланмоқда;</p> <p>б) аёллар учун тақиқланган касблар рўйхатидан хавотирланмоқда, ушбу рўйхат ҳаддан ортиқ чекловчи тусга эга ва унда аёлнинг она сифатидаги роли ҳаддан ортиқ қайд этилади, аёллар учун иш вақтига ҳамда ишдан кейин ва тунги пайтда ишлашга ортиқча чекловлар қўйилади, бу ўз навбатида бир қанча соҳаларда уларнинг имкониятлари чекланишига олиб келади;</p> <p>с) меҳнат бозорида аёллар ва эркалар ўртасидаги касб сегрегациясининг сақланиб қолишидан ҳамда иқтисодиётнинг расмий ва норасмий секторларидаги иш ўринларида аёлларнинг юқори даражада жамланишидан;</p> <p>д) ишда сексуал таъмагирликни тақиқловчи маълумотнинг, ўтказилган суд муҳокамалари ва тайинланган жазо чоралари сони тўғрисидаги маълумотларнинг йўқлигидан ташвишланмоқда.</p> <p>26. Қўмита штирокчи давлатга:</p> <p>а) шу жумладан давлат секторида ва хусусий секторда иш берувчиларнинг бандлик соҳасида аёлларга нисбатан камситиш тақиқланишидан хабардорлигини ошириш, аёлларга профессионал-техник тайёргарлик кўришда ёрдам бериш ва болаларни парвариш қилиш ва мактабгача таълим соҳасида хизматлардан фойдаланишини кенгайтириш орқали расмий иқтисодиёт секторида уларнинг ишга жойлашишига қўмаклашиш бўйича саъй-ҳаракатларни фаоллашириш йўли билан аёлларнинг катта иқтисодий мустақилликка эга бўлишига доир шарт-шароитларни ташкил этиш борасида ўз саъй-ҳаракатларини кучайтиришни;</p> <p>б) тенг қийматга эга бўлган меҳнат учун тенг ҳақ тўланишини кафолатловчи қонунлар амалиётда қўлланилишини, эркалар ва аёллар меҳнатига ҳақ тўлашдаги тафовутни</p>	<p>11.1. Иш соҳасида тўғридан-тўғри, билвосита ва кўплаб камситиш белгиларини аниқлаш бўйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигини таҳлил қилиш.</p> <p>11.2. Таҳлил якунлари натижаари бўйича меҳнат соҳасида билвосита камситишнинг олдини олиш мақсадида қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва киритиш.</p> <p>11.3. Аёллар учун ноқулай меҳнат шароитларига эга бўлган ишлар рўйхатини қайта кўриб чиқишга йўналтирилган норматив ҳужжатни тасдиқлаш тўғрисидаги масалани ўрганиш.</p> <p>11.4. Тармоқар, мулкчиликнинг турли шаклларидаги корхоналар бўйича аёлларнинг бандлиги бўйича гендер кўрсаткичлар барча асосий таҳлилий маърузаларда ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳисоботларда акс эттирилишини таъминлаш.</p> <p>11.5. Иш берувчилар билан қасаба уюшмалари ўртасидаги барча жамоавий шартномаларга меҳнат ва дам олиш шартлари таъминланишини, меҳнат гигиенаси ва хавфсизлигини, шунингдек тенг қимматга эга бўлган меҳнат учун тенг ҳақ тўлашни ва ҳоказоларни назарда тутадиган бўлимни киритиш.</p> <p>11.6. Бандликнинг барча соҳаларида норасмий секторда банд бўлган аёлларни расмий секторга ўтказиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.</p> <p>11.7. Давлат секторидаги ва хусусий сектордаги иш берувчиларнинг бандлик соҳасида аёлларга нисбатан камситишни тақиқлашдан хабардорлиги бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.</p> <p>11.8. Меҳнат бозорида талаб этилган мутахассисликлар бўйича аёлларни касбга ўқитиш дастурларини ҳамда ўқув марказларида тақлиф этиладиган мутахассисликлар рўйхатини кенгайтириш. Умумтаълим мактабларида ўқувчиларни касбга йўналтириш (гендер омилни, 10 ва 11-синфларда таълим берилиши жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда) дастурларини, шунингдек, касб-ҳунар</p>	<p>2017 йил IV чорак</p> <p>2018 йил I чорак</p> <p>2018 йил</p> <p>Доимий равишда</p> <p>Ҳар йили</p> <p>2017-2019 йй.</p> <p>Доимий равишда</p> <p>Ҳар йили алоҳида ҳақвал бўйича</p>	<p>Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қасаба уюшмалари федерацияси, Савдо-саноат палатаси, АКҲМИ, Хотин-қизлар қўмитаси, “Тадбиркор аёл” уюшмаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Олий таълим вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Давлат статистика қўмитаси, Фермерлар Кенагши, “Хунарманд” уюшмаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Тошкент давлат юридик университети, “Маҳалла” фонди, хотин-қизларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари, Республика болалар ижтимоий мослашув маркази</p>	<p>МОТ, БМТТД, Всемирный банк</p>
-----	--	---	---	---	-----------------------------------

	<p>қискартириш чораларини кўришни, аёллар кўп жамланган секторларда иш ҳақи миқдорини мунтазам равишда қайта кўриб чиқишни;</p> <p>с) аёллар учун тақиқланган мутахассисликлар ва профессионал фаолият соҳалари рўйхатини бундай тақиқлар оналикни муҳофаза қилиш принциплариға қатъий мувофиқ бўлишини таъминлаш ва қонундан кўзланган мақсад билан мос бўлиши учун қайта кўриб чиқишни, шунингдек, меҳнат шарт-шароитлари, гигиенаси ва хавфсизлигини яхшилаш йўли билан профессионал фаолиятнинг олдин тақиқланган соҳаларида аёлларнинг ишга жойлашини рағбатлантиришни ва соддалаштиришни;</p> <p>д) ишда сексуал таъмагирликни аниқ белгилайдиган ва тақиқлайдиган қонунни қабул қилишни тавсия этади.</p>	<p>коллежлари ва академик лицейларда таълим олаётган ўқувчи қизлар учун касбга мослашиш дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.</p> <p>11.9. Аёллар бандлигини фаоллаштириш ва уларни яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятиға, шу жумладан, касаначиликка жалб этиш бўйича кенг тушунтириш ишлари олиб бориш.</p> <p>11.10. Мамлакатнинг барча минтақаларида аёлларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтиришга йўналтирилган семинарлар-тренинглари туркумини ўтказиш («Ўз бизнесини бошла ва яхшила», «Бизнесдан хабардор бўл», «Молиявий саводхонлик» ва шу кабилар).</p> <p>11.11. Республика тадбиркор аёлларининг бизнес-форумини ўтказиш. Аёлларнинг шахсий тажрибасини умумлаштириш. Форумлар якунлари бўйича рус ва ўзбек тилларида брошюралар нашр этиш.</p> <p>11.12. Тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган аёллар, айниқса қишлоқ жойларда яшовчи аёллар ва қизлар имтиёзли кредитлар олишиға қўмаклашиш.</p>	<p>Доимий равишда</p> <p>Алоҳида режа бўйича</p> <p>Ҳар йили</p> <p>Доимий равишда</p>		
Соғлиқни сақлаш					
12.	<p>27. Қўмита мамлакатда ҳомилдорликдан сақланишнинг юқори кўрсаткичларини камайтиришда иштирокчи давлат томонидан эришилган ютуқларни қутлайди, бироқ:</p> <p>а) қайтариб бўлмайдиган хусусиятға эға бўлмаган контрацепция усулларининг йўқлиги ёки улардан фойдаланишнинг имкони йўқлиги туфайли контрацепция усули сифатида стерилизацияни қўллаш кўламлари очик ўсишидан ва стерилизация мажбурий эмаслиги ҳақидаги баёнотлар муносабати билан:</p> <p>б) иштирокчи давлатда аёллар ва қизлар орасида ўлимнинг асосий сабаблари тўғрисидаги маълумотнинг йўқлигидан ташвишланмоқда.</p> <p>28. Қўмита ўзининг аёллар ва соғлиқ тўғрисидаги 24-умумий тавсиясига мувофиқ (1999) иштирокчи давлатни:</p> <p>а) тегишли халқаро нормаларға мувофиқ ва стерилизациянинг бўлиши муқаррар бўлган оқибатлари ва потенциал таваккалчилигидан ва мавжуд муқобилларидан, унинг эркин,</p>	<p>12.1. Аҳоли орасида контрацептив воситалар қўлланилиши, шу жумладан, ихтиёрий жаррохлик стерилизацияси қўлланилиши тўғрисидаги масала ўрганиб чиқишини ташкил этиш.</p> <p>12.2. «Фуқароларнинг репродуктив кўрсатмалари, репродуктив соғлиқ ва репродуктив ҳуқуқ тўғрисида жамоатчилик фикри» социологик сўровини ўтказиш.</p> <p>12.3. Аҳоли тоифалари, айниқса, ёш оилалар орасида репродуктив саломатлик бўйича кенг ахборот-маърифий ва таълим ишларини олиб бориш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш.</p> <p>12.4. Аҳолининг контрацепциянинг турли усулларидан, шу жумладан, ихтиёрий стерилизациядан фойдаланиши бўйича маълумотларни тўплаш ва умумлаштириш.</p> <p>12.4. Контрацептив воситалардан кенг фойдаланишни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалға ошириш.</p>	<p>2017 йилдан бошлаб доимий равишда</p> <p>2017-2018 йй.</p> <p>2017 йил</p> <p>Ҳар ойда</p> <p>2017-2019 йй.</p>	<p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, хотин-қизларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари, «Ижтимоий фикр» маркази, Давлат статистика қўмитаси</p>	<p>ЮНФПА, ВОЗ</p>

	<p>олдиндан ва анланган келишуви сўралиши талаб қилинишни таъминлайдиган аёлларнинг стерилизацияга эркин, олдиндан ва хабардор бўлган розилигини олиш тўғрисидаги талабларни аниқ белгилайдиган тузатишларни қонунчиликка киритишга;</p> <p>б) мажбурий ёки ихтиёрий бўлмаган стерилизация қурбонларига зарур компенсация бериш ва бундай ноқонуний амалиёт қўлланилишида айбдор бўлганларни жазолашга;</p> <p>с) контрацепция усули сифатида стерилизациядан фойдаланиш қўламларини қисқартириш учун барча аёллар ва эркакларнинг оилани режалаштириш хизматларидан ҳамда қиммат бўлмаган ва хавфсиз замонавий контрацептивлардан фойдаланишни кенгайтиришга;</p> <p>д) иштирокчи давлатда аёллар ва қизлар орасида ўлим сабаблари тўғрисидаги дезагрегирланган маълумотларни тўплаш ҳамда қишлоқ туманларида врачлар ва бошқа тиббиёт ходимларининг профессионал тайёргарлигини таъминлашга чақиради.</p>	<p>12.5. Аёллар ва қизлар орасида ўлимнинг сабаблари бўйича дезагрегирланган маълумотлар бўлган тахлилий ахборотни ушбу соҳадаги ишларни кейинчалик режалаштириш учун тайёрлаш. Олинган маълумотларни Ўзбекистоннинг кейинги даврий маърузасига киритиш.</p>	Хар йили		
Қишлоқ аёлари					
13.	<p>29. Қўмита қишлоқ туманларида аёлларнинг нохуш ҳолатини, жумладан аёллар барча фермер хўжалиқларининг бор йўғи 9 фоизига бошчилик қилишини ва қишлоқ аёллари қишлоқ хўжалиги секторида раҳбарлик лавозимининг атиги 4,2 фоизини эгаллашини, асосан паст ҳақ тўланадиган ишлар билан шуғулланишини ва эркаклар иш ҳақининг 82 фоизини ташкил этадиган иш ҳақи олишини ташвиш билан қайд этади. Қўмита иштирокчи давлат қишлоқ аёллари орасида камбағаллик муаммоларини ҳал этиш ва уларни ерга эгалик қилиш ҳуқуқи билан таъминлаш, шунингдек, уларнинг расмий секторда одил судлов, таълим, уй-жой, хавфсиз ичимлик сув, санитария хизматлари, ишга жойлаштиришдан, кўникмалар ва профессионал тайёргарликни ривожлантириш дастурларидан ҳамда даромадлар ва микрокредитлар олиш имониятларидан фойдаланиш учун чора-тадбирлар кўрмаётганлигини афсус билан қайд этади. Бундан ташқари, у жамоа даражасида</p>	<p>13.1. Қишлоқда аёлларнинг аҳволини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш, шу жумладан аёлларнинг расмий секторда таълим, соғлиқни сақлаш, уй-жой, хавфсиз ичимлик сув, санитария хизматлари, ишга жойлаштиришдан фойдаланишини ўрганиш.</p> <p>13.2. Аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлаш ва республика қишлоқ туманларининг инфратузилмасини ривожлантириш бўйича мақсадли давлат дастурларини амалга ошириш.</p> <p>13.3. Қишлоқлардаги оилаларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида энг муҳтож оилалар рўйхатини тузиш, ишга жойлаштириш масалаларини ҳал этиш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш.</p> <p>13.4. Кам таъминланган оилалар, айниқса уларнинг заиф гуруҳларига имтиёзли кредитлар бериш бўйича мамлакатнинг қишлоқ туманларида комплекс ишларни ташкил этиш, шунингдек, уларни тадбиркорлик</p>	<p>2018 йил I чорак</p> <p>2017-2021 йй.</p> <p>2017 йилдан бошлаб доимий</p> <p>2017-2021 йй.</p>	<p>Хотин-қизлар қўмитаси, “Тадбиркор аёл” уюшмаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Олий таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Фермерлар кенгаши, маҳаллий ҳокимликлар, Миллий телерадиокомпания, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси,</p>	<p>ЮНФПА, БМТТД, ХМТ</p>

	<p>қарорлар қабул қилиш жараёнларида кишлоқ аёлларининг етарли даражада иштирок этмаслигидан ташвишланмоқда.</p> <p>30. Қўмита иштирокчи давлатга:</p> <p>а) кишлоқ туманларида инфратузилмани яхшилашга биринчи навбатда эътибор берган ҳолда халқаро ёрдам олишни ва ҳамкорликни йўлга қўйишни ҳамда кишлоқ аёлларининг одил судлов, таълим, уй-жой, хавфсиз ичимлик сув, санитария хизматлари, ишга жойлаштириш, қўникмалар ва профессионал тайёргарликни ривожлантириш дастурларидан ҳамда уларга даромадлар ва микрокредитлар олиш имкониятларини беришни, уларнинг аниқ эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда уларга ерга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳуқуқини беришни таъминлаш мақсадида чора-тадбирларни ишлаб чиқишни;</p> <p>б) жамоа даражасида қарорлар қабул қилиш жараёнларида кишлоқ аёлларининг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилик асосида иштирок этишини таъминлашни;</p> <p>с) кишлоқ туманларини ривожлантиришнинг иқтисодий ва ижтимоий стратегиясининг аёл инсоннинг ҳуқуқларига таъсирини ўрганишни ва ушбу масала бўйича аниқ дезагрегирланган маълумотларни тўплашни тавсия этади.</p>	<p>қўникмаларига ўқитиш.</p> <p>13.5. Аёллар, ёшлар ташкилотлари ва бошқа сиёсий ташкилотларнинг бошқарувлари таркибига фаол кишлоқ аёлларини киритиш ва уларнинг қарорлар қабул қилиш даражасида иштирок этишини таъминлаш.</p> <p>13.6. Қизларнинг қарорлар қабул қилиш даражасида иштирок этишини, гендер масалаларидан хабардорлигини ошириш мақсадида ҳар бир корхона, маҳалла, ташкилот, таълим муассасасида, барча даражалардаги хотин-қизлар қўмиталарида «Қизларжон» қизлар клубини ташкил этиш, уларни мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишга тайёрлаш.</p> <p>13.7. Республика кишлоқ аёллари аҳволининг мунтазам мониторингини олиб бориш ва шу асосда уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.</p> <p>13.8. Оммавий ахборот воситаларида кишлоқ аёлларининг ҳаёти ва фаолияти мунтазам ёритилишини ташкил этиш.</p>	<p>2017 йилдан бошлаб доимий</p> <p>2017 йил</p> <p>2017-2019 йй.</p> <p>Доимий равишда</p>	<p>ЎЗА, Босма оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамоат фонди</p>	
Озодликдан маҳрум этилган аёллар ва ҳуқуқни муҳофиза қилувчи аёллар					
14.	<p>31. Делегация томонидан тақдим этилган иштирокчи давлатда омбудсман озодликдан маҳрум этиш жойларига бориш ваколатига эгаллиги ҳақидаги ахборотни қайд этиб, Қўмита аёлларнинг қамокда сақланиши шароитлари ва улар билан зарур тарзда муносабатда бўлиш учун шикоят қилишнинг қулай шароитлари йўқлигидан ташвишланаётганлигини билдиради. Бундан ташқари, Қўмита аёлларга нисбатан камситишнинг кесилувчи шаклларида, озодликдан маҳрум этиш жойларида ҳуқуқни муҳофиза қилувчи аёллар дучор қилинаётган ноқонуний муносабатлар ва ҳақорат қилишдан ташвишланмоқда.</p> <p>32. Қўмита иштирокчи давлатни:</p> <p>а) қамокдаги аёллар учун зарур шарт-шароитлар яратишга ва уларни зўравонлик,</p>	<p>14.1. Қамокда шикоятлар бўйича самарали суриштирув олиб бориш, сақлаш, тарбиялаш ва таълим беришнинг алоҳида шароитларига муҳтож бўлган болалар учун ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида тарбияланаётган қизларнинг аҳволини мунтазам равишда таҳлил қилиш, натижалари бўйича яхшилашга доир таклифларни ишлаб чиқиш.</p> <p>14.2. Озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинадиган аёлларни мослаштириш бўйича касбга тайёрлашни ва қайта тайёрлашни, бандлигини таъминлашни, маҳалла ва меҳнат жамоасининг ижтимоий фаолиятида фаол иштирокини назарда тутувчи комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.</p> <p>14.3. Озодликдан маҳрум этиш жойларидаги</p>	<p>Ҳар йили</p> <p>Чора-тадбирлар режасига мувофиқ</p> <p>Алоҳида жадвал</p>	<p>Омбудсман, Хотин-қизлар қўмитаси, ИИВ, «Маҳалла» фонди, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, тегишли вазирлик, идоралар, маҳаллий ҳокимликлар, ЎЗА, Миллий телерадиокомпания, Электрон оммавий</p>	<p>БМТТД, ЮНФПА</p>

	<p>ҳақорат қилишдан ҳимоя қилишга, улар билан зарур тарзда муносабатда бўлмаслик устидан шикоят бериш имконини берувчи мустақил самарали механизмларни яратишга ва БМТнинг маҳкум аёллар билан муомала қилишга ва озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган аёллар-ҳуқуқни бузувчилар учун жазо чораларига тегишли қоидаларга мувофиқ (Бангкок қоидалари) мустақил мониторинг ва назорат механизмларини таъсис этишга;</p> <p>б) маҳкум аёллар, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи аёллар камситувчи муносабатда бўлишига ҳамда жинси ва гендер мансублиги белгиси бўйича камситилишига, шунингдек, айбдорларни суд тартибида таъкиб қилиш ва жазолашга доир шикоятлар бўйича самарали суриштирув олиб борилишини таъминлашга чақиради.</p>	<p>аёллар билан муносабатда бўлиш соҳасида халқаро стандартларни жорий этиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва тиббиёт ходимлари учун семинар-тренинглار туркумини ўтказиш.</p> <p>14.4. Озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод этилган аёллар мослашишнинг ижобий намуналари тўғрисида телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар туркумларини ташкил этиш, оммавий ахборот воситаларида мақолалар чиқариш.</p> <p>14.5. Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари битирувчиларининг ижтимоий мослашуви ва жамиятга интеграциясининг тизимли мониторингини олиб бориш ва уларга таълим муассасасига жойлашишда, янги касбни эгаллаб олишда, спорт-соғломлаштириш, маданий-оммавий тадбирларга жалб этишда, шунингдек, ҳар хил турар жой-маиший ва ижтимоий-ҳуқуқий муаммоларни ҳал этишда ёрдам бериш.</p>	<p>бўйича</p> <p>Доимий равишда</p> <p>2017-2019 йй.</p>	<p>ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази</p>	
Никоҳ ва оилавий муносабатлар					
15.	<p>33. Қўмита делегация томонидан тақдим этилган аёллар ва эркаклар учун никоҳга киришнинг қонунда белгиланган бир хилдаги энг кам ёши жорий этилиши ҳақида Оила кодексига киритилаётган тузатиш кўриб чиқишда эканлиги ҳақидаги ахборотни маълумот учун қабул қилади, бироқ қуйидагилар муносабати билан ташвишланаётганлиги сақланиб қолаётганлигини маълум қилади:</p> <p>а) Оила кодексининг 15-моддаси ҳозирги вақтда аёллар (17 ёш) ва эркаклар (18 ёш) учун никоҳга киришнинг ҳар хил минимал ёшларини, қизлар учун 16 ёшда никоҳга кириш имкониятини назарда тутди;</p> <p>б) қишлоқ жойларда эрта никоҳлар ва кўп хотинлилик сақланиб қолмоқда, гарчи принцип жиҳатидан ушбу ҳар икки амалиёт учун жазолаш назарда тутилса ҳам, ва оилани сақлаб қолишда аёлнинг ролига нисбатан ижтимоий нормалар мавжуд бўлишда давом этмоқда, бу аёлнинг никоҳни бекор қилиш тўғрисида даъво қўзғатишда акс этмоқда;</p> <p>с) аёллар никоҳда биргаликда ортирилган мол-мулкка бундай мол-мулк эрнинг оиласи</p>	<p>15.1. Қуйидагиларни назарда тутадиган қонунчиликни такомиллаштириш бўйича тақлифларни ишлаб чиқиш:</p> <p>аёллар учун никоҳ ёшини ошириш йўли билан никоҳга кириш учун ёшни белгилаш; никоҳни юридик расмийлаштирмасдан никоҳ ўқийдиган диний ташкилотлар вакиллари учун жазони қатъийлаштириш.</p> <p>15.2. Ҳар бир туман (шаҳар) кесимида эрта ва кўшхотинлилик ҳолатларини таҳлил қилиш.</p> <p>15.3. Эрта никоҳларга ва кўп хотинлилик ҳолатларига йўл қўймаслик, ушбу йўналишда фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларининг масъулияти масалалари бўйича аҳоли орасида кенг ахборот компаниясини ташкил этиш чора-тадбирлари комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.</p> <p>15.4. Ўзбекистон ташқарисидаги ашаддий алимент тўламайдиганлардан алиментларни ундириш бўйича суд қарорлари амалга оширилиши механизми кучайтириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш.</p> <p>15.5. Қарорлар амалга оширилиши</p>	<p>2017-2018 йй.</p> <p>2017 йилдан бошлаб доимий</p> <p>2017-2019 йй.</p> <p>Ҳар йили</p> <p>2018 йил</p>	<p>Хотин-қизлар қўмитаси, Адлия вазирлиги, Олий суд, Тошкент давлат юридик университети, АҚХМИ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий таълим вазирлиги, Бош прокуратура, “Маҳалла” фонди, Болаларни ва оилаларни қўллаб-қувватлаш уюшмаси, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, “Ижтимоий фикр” маркази,</p>	<p>ЮНФПАБМ ТТД</p>

	<p>тасарруфига ёки бошқа учинчи томонга берилиши туфайли унга бўлган ҳуқуқини кўпинча амалга ошириш ҳолатида эмас;</p> <p>д) иштирокчи давлатда фуқаролик никоҳлари ва бундай никоҳлардги аёллар сони ўсиб бормоқда, аёллар бундай иттифокда эканлигида орттирилган биргаликдаги мулкка ҳуқуққа эга эмасликлари туфайли бундай иттифокларнинг ҳуқуқий эътироф этилиши мавжуд эмаслиги сабабли иттифок бекор қилинган тақдирда иқтисодий жиҳатдан ҳимояланмасдан қолмоқда.</p> <p>34. Қўмита иштирокчи давлатга:</p> <p>а) Оила кодексига Қўмитанинг аёлларга нисбатан камситишни тугатиш бўйича 31-умумий тавсиясига ва Қўмитанинг зарарли амалиётга тегишли бола ҳуқуқлари бўйича умумий тартибдаги мулоҳазасига (2014 йил) мувофиқ аёллар учун ҳам, эркаклар учун ҳам никоҳга киришнинг энг кам ёшини қонунда белгиланган 18 ёшгача узайтиришни назарда тутадиган тузатиш киритишни;</p> <p>б) анънавий етакчилар, маҳалла ва умуман жамият вакиллари ва эрта никоҳлар ва кўп хотинлилик каби камситувчи амалиётни тугатишнинг муҳимлигидан хабардорлигини оширишни ва аёллар учун никоҳ ва ажралишга нисбатан мустақил қарор қабул қилиш имкониятини таъминлашни;</p> <p>с) аёллар томонидан никоҳда биргаликда орттирилган мол-мулкка бўлган тенг ҳуқуқ амалга оширилиши имконияти таъминланишини;</p> <p>д) Конвенциянинг 16-моддаси бўйича Қўмитанинг 29-умумий тавсиясига (2013) (никоҳга кириш, оилавий муносабатлар ва улар бекор қилинишининг иқтисодий оқибатлари) мувофиқ фуқаролик никоҳлари ҳуқуқий эътироф этилишидан қатъи назар фуқаролик никоҳлари бекор қилинган тақдирда аёлларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишни тавсия этади.</p>	<p>механизмарини кучайтириш юзасидан ҳуқуқий маслаҳатлар бериш марказлари ташкил этиш.</p> <p>15.6. Оила манфаатларига тегишли масалалар бўйича 20-оила ва ахлоқ” мавзусида аҳоли орасида ҳар йиллик социологик сўровлар ўтказиш.</p> <p>15.7. Эр-хотиннинг мол-мулкни бўлиш юзасидан никоҳдан ажратиш масалалари бўйича фуқаролик ишлари юзасидан суд амалиётини такомиллаштириш.</p> <p>15.8. Оилани мустаҳкамлаш, эрта никоҳлар, кўп хотинлиликнинг оқибатлари масалалари бўйича телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар туркуми, мақолалар, роликлар ва бошқа ахборот-маърифий материаллар тайёрланишини ташкил этиш.</p>	<p>I чорак</p> <p>Алоҳида режа бўйича</p> <p>Алоҳида режа бўйича</p> <p>Доимий равишда</p>	<p>Миллий телерадиокомпания, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, ЎЗА</p>	
Маълумотлар тўплаш					
16.	35. Қўмита Конвенция томонидан қамраб олинмаган барча соҳаларда аёлларнинг амалдаги тенглигини таъминлаш йўлида эришилган тараққиётни тизимли мониторинг қилиш ва	16.1. Аёлларнинг ҳолатига тегишли статистик маълумотларни тўплашни чуқур таҳлил қилишни ташкил этиш ва уларни янада такомиллаштириш бўйича тақлифлар тайёрлаш.	2017-2018 йй.	Давлат статистика қўмитаси, Хотин-қизлар қўмитаси, хотин-	ЮНФПА

	<p>баҳолашнинг асосланган сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун аёлларнинг аҳолини аниқ баҳолаш учун зарур бўлган, улар камситилишдан азобланаётганлигини аниқлаш имконини берадиган жинси, ёши, этник мансублиги, географик жойлашган жойи ва ижтимоий-иқтисодий мақоми бўйича янгиланган статистик, дезагрегирланган маълумотлар умуман олганда етишмаслигидан ташвишланмоқда.</p> <p>36. Қўмита иштирокчи давлатни гендер тенгликка эришишга ва аёлларнинг ўз ҳуқуқларини тўлиқроқ амалга оширишга йўналтирилган сиёсат ва дастурларнинг таъсири ва самарадорлигини баҳолаш учун зарур бўлган ёш белгилари ва бошқа тегишли омиллар бўйича дезагрегирланган маълумотларни тўплаш учун гендер кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишга чакиради.</p> <p>Шу муносабат билан Қўмита аёлларнинг ҳолатига тегишли статистик маълумотларга нисбатан ўзининг 99-умумий тавсиясига (1989) иштирокчи давлатнинг эътиборини қаратади ва иштирокчи давлатга Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тегишли муассасаларига унга техник ёрдам кўрсатиш тўғрисида илтимос қилишни ҳамда аниқ маълумотлар тўплашда ёрдам бериши мумкин бўлган хотин-қизлар ассоциациялари билан ҳамкорлик қилишни тавсия этади.</p>	<p>16.2. Ҳар йили «Аёллар ва эркаклар» статистик тўплами эълон қилинишини ташкил этиш.</p> <p>16.3. Давлат статистика қўмитасининг gender.stat.uz расмий веб-сайтини жорий этиш ва ўз вақтида янгилаш.</p>	<p>Ҳар йили</p> <p>2018 йил I чорак</p>	қизларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари	
Конвенцияга Факультатив протокол ва Конвенциянинг 20 (1)-моддасига тузатиш					
17.	<p>37. Қўмита иштирокчи давлатга: Конвенцияга Факультатив протоколни ратификация қилишни ва имкони бўлса яқин орада Қўмитанинг мажлисларига тегишли 20 (1)-моддасига тузатишни қабул қилишни тавсия этади.</p>	<p>17.1. Конвенцияга Факультатив протоколни ратификация қилиш имкониятини ўрганиш ва Конвенциянинг 20 (1)-моддасига Қўмита мажлисларини ўтказишга тегишли тузатишларни қабул қилиш.</p>	2017-2018 йй.	Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Хотин-қизлар қўмитаси, Адлия вазирлиги, ТИВ	БМТТД
Пекиндекларацияси ва Ҳаракатлар дастури					
18.	<p>38. Қўмита иштирокчи давлатни Конвенция қоидаларини бажариш бўйича ўз саъй-ҳаракатлари доирасида Пекин декларациясидан ва Ҳаракатлар дастуридан фойдаланишга чакиради.</p>	<p>18.1. Аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига тегишли Дастурлар ва Тадбирлар режаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда Пекин декларацияси қоидаларидан ва Ҳаракатлар дастуридан фойдаланиш.</p>	2017-2019 йй.	Хотин-қизлар қўмитаси, вазирликлар, идоралар ва жамоат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимликлар	БМТТД

2030 йилгача барқарор ривожланиш соҳасида кун тартиби					
19.	39. Қўмита 2030 йилгача барқарор ривожланиш соҳасида Кун тартиби бажарилишининг барча жараёнларида Конвенция қондаларига мувофиқ реал гендер тенгликни ҳаётга жорий этишга чақиради.	19.1. Ҳар йили йил номи янгиланиши муносабати билан қабул қилинадиган ижтимоий Дастурларда аёллар ва оилалар муаммоларини ҳал этишнинг устуворлигини таъминлаш. 19.2. Барқарор ривожланиш мақсадлари ва ушбу йўналишдаги миллий устуворликлар доирасида вазифалар амага оширилиши устидан мониторинг олиб борилишини ташкил этиш.	2017-2021 йй. Ҳар йили январь-февраль ойлари	Хотин-қизлар қўмитаси, вазирликлар, идоралар ва жамоат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимликлар	БМТТД
Ахборотни тарқатш					
20.	40. Қўмита Конвенция қондаларини мунтазам ва узлуксиз бажариш юзасидан иштирокчи давлатнинг мажбуриятларини эслатиб ўтади. У иштирокчи давлатни ҳозирги пайтдан навбатдаги даврий маъруза тақдим этилгунига қадар бўлган даврда ушбу якуний мулоҳазалар ва тавсияларни бажаришга устувор эътибор беришга чақиради. Шу муносабатдан Қўмита ушбу якуний фикр-мулоҳазаларни уларнинг тўлиқ кўламда бажарилишини таъминлаш учун иштирокчи давлатнинг давлат тилида барча даражалардаги (миллий, минтақавий ва маҳаллий) тегишли давлат муассасаларига, хусусан ҳукумат тузилмаларига, вазирликларга, Олий Мажлисга ва суд органларига ўз вақтида юборилишини таклиф қилади. Қўмита иштирокчи давлатга иш берувчилар уюшмаси, касаба уюшмалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва хотин-қизлар ташкилотлари, университетлар, илмий-тадқиқот институтлари, оммавий ахборот воситалари сингари барча манфаатдор томонлар билан ҳамкорлик қилишни тавсия этади. У ушбу якунловчи фикр-мулоҳазалар уларнинг бажарилишини таъминлаш учун маҳаллий жамоалар даражасида зарур тарзда тарқатилишини тавсия этади. Бундан ташқари, Қўмита иштирокчи давлатга Конвенцияни ва Қўмитанинг умумий тавсияларини барча манфаатдор томонлар	20.1. Қўмитанинг якуний тавсияларини ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида вазирликлар, идоралар, ташкилотлар, ҳокимликларда, Олий Мажлисда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органларида тарқатиш. 20.2. Тегишли вазирликлар, идоралар ва жамоат ташкилотлари билан аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга йўналтирилган ҳамкорлик қилиш режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. 20.3. Ишловчи хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш тўғрисидаги масалани тармоқ ва ҳудудий битимларга, жамоа шартномаларига киритиш. 20.4. Ижрочилар, қонунчилик ва суд ҳокимиятлари орасида аёлларнинг ҳуқуқ ва мафаатларини ҳимоя қилиш соҳасида ахборот бериш ва тушунтириш ишлари олиб бориш.	2018 йил I чорак Ишлаб чиқиш – ҳар йили январь ойида, амалга ошириш – доимий Ҳар йили Доимий равишда, алоҳида жадвал асосида	Хотин-қизлар қўмитаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Касаба уюшмалари Федерацияси, вазирлик, идора ва жамоат ташкилотлари	БМТТД, ЮНФПА

Ўртасида тарқатишни давом эттириш ҳақидаги илтимос билан мурожаат қилади.					
Техник ёрдам					
21.	<p>41. Қўмита иштирокчи давлатга халқаро ёрдам сўраб мурожаат қилиш ва ҳамкорликни йўлга қўйиш, шунингдек юқорида баён қилинган тавсияларни ва умуман Конвенцияни бажаришга йўналтирилган комплекс дастурни ривожлантириш ва бажариш жараёнида техник ёрдамдан фойдаланиш имкониятини кўриб чиқишни тавсия қилади.</p> <p>Қўмита шунингдек иштирокчи давлатни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча ихтисослаштирилган муассасалари ва дастурлари билан ҳамкорлик қилишни давом эттиришга чақиради.</p>	<p>21.1 БМТнинг республикада ишлаётган ихтисослаштирилган агентликлари билан ҳамкорлик қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.</p> <p>21.2. ЮНИСЕФ, БМТТД, ЮНФПА ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш бўйича қўшма режаларни қабул қилиш.</p> <p>21.3. Халқаро ташкилотлар билан қўшма лойиҳалар доирасида Қўмита тавсияларини бажариш чораларини амалга ошириш.</p>	<p>2017 йил IV чорак</p> <p>2018 йил I чорак</p> <p>Доимий равишда</p>	<p>Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда</p>	<p>ЮНИСЕФ, БМТТД, ЮНФПА</p>
Бошқа шартномаларни ратификация қилиш					
22.	<p>42. Қўмита иштирокчи давлатнинг инсон ҳуқуқлари бўйича тўққизта асосий халқаро ҳужжатларга¹ қўшилиши аёллар томонидан ўзларининг инсоний ҳуқуқлари ва ҳаётнинг барча соҳаларида асосий эркинликлар амалга оширилишига қўмаклашишни қайд этади.</p> <p>Шу сабабли Қўмита иштирокчи давлатга у ҳали қатнашчиси ҳисобланмайдиган Барча шахсларни зўрлик билан йўқолиб қолишдан ҳимоя қилиш учун халқаро конвенцияни, Ногиронларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни, Барча меҳнат қилувчи мигрантларни ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенцияни ратификация қилиш масаласини кўриб чиқишни тавсия этади.</p>	<p>22.1. Барча шахсларни зўрлик билан йўқолиб қолишдан ҳимоя қилиш учун халқаро конвенцияни, Ногиронларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни, Барча меҳнат қилувчи мигрантларни ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенцияни, шунингдек Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги (қайта кўриб чиқилган) 1952 йилги Конвенцияни қайта кўриб чиқиш тўғрисида Халқаро меҳнат ташкилотининг 183-Конвенциясини имплементация қилиш юзасидан миллий қонунчиликни хатловдан ўтказиш ва хорижий тажрибани ўрганиш (2000 й.).</p> <p>22.2. Юқорида кўрсатиб ўтилган халқаро ҳужжатларни ратификация қилишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида таклифлар тайёрлаш. Юқорида кўрсатиб ўтилган халқаро ҳужжатларни ратификация қилишнинг мақсадга мувофиқлигини ўрганиш.</p> <p>22.3. Қуйидагилар бўйича аниқ чораларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш: ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, тиббий-</p>	<p>2018 йил</p> <p>2018 йил III чорак</p> <p>2017-2021 йй.</p>	<p>Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Бош прокуратура, ИИБ, ТИВ, Молия вазирлиги, Қасаба уюшмалари федерацияси, Тошкент давлат юридик университети, Ногиронлар жамияти, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Хотин-қизлар</p>	<p>БМТТД, ЮНФПА</p>

¹ Ихтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт; Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт; Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги конвенция; Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги конвенция; Қийноқларга ва бошқа шаф қатсиз, ғайриинсоний муносабатда бўлиш ва жазоланишнинг кадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши курашиш тўғрисидаги конвенция; Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция; Барча шахсларни зўрлик билан йўқолиб қолишдан ҳимоя қилиш учун халқаро конвенция; Барча меҳнат қилувчи мигрантларни ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция; Ногиронларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция.

		ижтимоий ва касбий реабилитация самарадорлигини ошириш, ногиронларнинг жамиятга интеграциясини кенгайтириш ва Ногиронларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция тўлиқ амалга оширилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш; меҳнат муносабатларини тартибга солиш бўйича мамлакатлар билан икки томонлама шартномалар қабул қилган ҳолда республика ташқарисидан ишлаётганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш.		қўмитаси	
Яқуний фикр-мулоҳазаларни бажариш бўйича кейинги чоралар					
23.	43. Қўмита иштирокчи давлатдан 10 (а) ва (б), 18 (а) ва (е)-бандлардаги ва юқоридаги тавсияларни бажариш учун кўрилган чоралар тўғрисида икки йил мобайнида ёзма ахборот тақдим этишни илтимос қилади.	23.1. 10(а) ва (б), 18 (а) ва (е)-бандлардаги ва юқоридаги тавсияларни бажариш учун кўрилган чоралар тўғрисида Қўмитага ахборот тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этиш. 23.2. Зарур ахборотни шакллантириш учун маълумотларни тўплаш. 23.3. Ахборотни тайёрлаш ва белгиланган тартибда Қўмитага юбориш.	2017 йил, алоҳида жадвал бўйича	Хотин-қизлар қўмитаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, вазирликлар ва идоралар, ТИВ	БМТТД, ЮНФПА
Кейинги маърузага тайёрланиш					
24.	44. Қўмита иштирокчи давлатга ўзининг олтинчи даврий маърузасини 2019 йил ноябрь ойида тақдим этишни таклиф қилади. 45. Қўмита иштирокчи давлатдан инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро шартномаларга, шу жумладан, умумий базавий ҳужжатни ва аниқ шартномалар бўйича ҳужжатларни тайёрлашнинг амал қилинадиган принципларига (HRI/GEN/2/Rev.6, I боб) мувофиқ маърузаларни тақдим этишнинг келишилган принципларини бажаришни илтимос қилади.	24.1. Конвенцияни амалга ошириш юзасидан олтинчи даврий маърузани тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳ аъзолари учун семинар ташкил этиш. 24.2. Маърузани шакллантириш учун сўровномаларни тайёрлаш ҳамда тегишли вазирликлар ва идораларга юбориш. 24.3. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро шартномаларга, шу жумладан, умумий базавий ҳужжатни ва аниқ шартномалар бўйича ҳужжатларни тайёрлашнинг амал қилинадиган принципларига мувофиқ маъруза лойиҳасини шаллантириш. 24.4. Маъруза лойиҳасини тегишли вазирликлар ва идоралар билан келишишни ташкил этиш. 24.5. Конвенцияни амалга ошириш бўйича олтинчи даврий маърузани белгиланган тартибда тақдим этиш.	2018-2019 йй. Алоҳида жадвал бўйича 2019 йил Режа асосида Маърузани тақдим этиш муддатларига мувофиқ	Хотин-қизлар қўмитаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, ТИВ	БМТТД, ЮНФПА